

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ТУРАБОВ САРВАР АБДУМАЛИКОВИЧ

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ
АМАЛГА ОШИРИШДАГИ МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳар – 2021 йил

УДК: 336.143.2:339.186(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Турабов Сарвар Абдумаликович

Бюджет ташкилотларининг давлат харидларини амалга оширишдаги
молиявий муносабатларини такомиллаштириш йўллари3

Турабов Сарвар Абдумаликович

Пути совершенствования финансовых отношений бюджетных организаций в
сфере государственных закупок.....29

Turabov Sarvar Abdumalikovich

The ways of improving the financial relations of budget organizations in public
procurement.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....57

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ТУРАБОВ САРВАР АБДУМАЛИКОВИЧ

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ
АМАЛГА ОШИРИШДАГИ МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳар – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳузуридаги **Олий аттестация комиссиясида В.2020.3.PhD/Iqt1429** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyounet» Ахборот тизим порталда (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хайдаров Низамиддин Ҳамраевич иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Жўраев Абауғаффор Сафарович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Усмонов Кахрамонжон Акбаралиевич иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.11701 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «17» декабри соат 16⁴⁵ дақиқасида бўлиб ўтди. Манзил 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй тел: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (236 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «3» декабр уни тарқатилди.
(2021 йил «3» 12 дақиқ 53 рақамли реестр баённомаси.)



Т.З.Тешабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ф.К.Халмаматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

И.Н.Кузиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро тажриба амалиётининг кўрсатишича, давлат харидлари тизими мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳалар ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон банки маълумотларига кўра бугунги кунда «дунё мамлакатларининг давлат харидлари 11 трлн. АҚШ долларини ёки умумий жаҳон ЯИМ ҳажмининг 12 фоизини ташкил этмоқда»¹. Товар ва хизматлар бозорларида рақобатни ривожлантириш, барча иқтисодиёт субъектлари фаолияти учун тенг шароитларни яратиш, ошкораликни таъминлаш ҳамда давлат харидлар тизимини янада такомиллаштириш давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлат харидларини амалга оширишда бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида давлат харидларининг электрон тизимини яратиш, давлат хизматларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, давлат харидлари устидан самарали давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда коррупцияга қарши кураш доирасида давлат харидларини адолатли амалга ошириш тартиб-таомилларини амалиётда қўллаш каби масалалар долзарбдир.

Жаҳон иқтисодиётида юзага келган кескин рақобат муҳити, инновацион таракқиёт, рақамли технологиялар қўлланиш доирасининг кенгайиб бориши натижасида давлат харидларини амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш ва самарали ташкил этиш бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. «Халқаро молия ташкилотлари»², рейтинг агентликлари ҳам «давлат харидлари масалаларига доир изланишлар натижаларини мунтазам эълон қилиб келмоқда»³. Тадқиқотларда давлат харидлари механизмининг янада такомиллаштириш, давлат харидлари тизимини бошқаришнинг самарали усул ва мезонлари, амалга ошириш тамойилларини тадқиқ этиш, харидларни амалга ошириш жараёнида самарадорликни оширадиган инновацион воситаларни қўллаш, харид жараёнларини рақамлаштириш ва интернет тизими орқали харидларни амалга оширадиган бозорни янада ривожлантириш каби йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда «Ҳозирги кунда давлат харидларида атиги 4 фоиз тадбиркор қатнашмоқда. Келгуси йилда 24 та йирик давлат корхонасига давлат хариди бўйича очиқ-ошкора талаблар жорий этилади. Натижада маҳаллий тадбиркорларимиз ҳар йили камида 10 триллион сўмлик маҳсулотларини ушбу корхоналарга сотиш имкониятига эга бўлади. Бундан буён барча давлат харидлари жамоатчилик ва Парламент назоратида бўлади»⁴.

¹ Дайджест. Государственные закупки в период пандемии COVID-19. <https://ach.gov.ru/upload/pdf/Covid-19-procurement.PDF>.

² ОЭСР (2019), Report on the Implementation of the Recommendation of the Council on Public Procurement, OECD, Paris, [https://one.oecd.org/document/C\(2019\)94/en/pdf](https://one.oecd.org/document/C(2019)94/en/pdf).

³ Политика в области инновационной деятельности и конкурентоспособности. Организация Объединенных Наций. Экономический и Социальный Совет. ECE/CECI/2021/5. https://unece.org/sites/default/files/2021-05/ECE_CECI_2021_5_2103936R.pdf.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий

Шунингдек, «...давлат идоралари бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромад ва харажатлари, давлат улушига эга бўлган ташкилотлар харидлари, давлат субсидия ва грантларига оид маълумотларни эълон қилиш амалиётини йўлга қўйилиши»⁵ белгиланди. Шу билан бирга, давлат харидларини амалга ошириш жараёнида кўплаб муаммолар мавжуд: харидларнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, коррупцион ҳолатларни юзага келтирмаслик, давлат харидларида барча субъектлар иштирок этиши учун тенг шароитлар яратиш, инсон омилини камайтириш, жараёнга янада замонавий инновацион ахборот технологияларини жорий этиш, муқобил савдо майдончаларини кўпайтириш, давлат буюртмачилари учун товар, иш, хизматларни харид қилишда танлаш имкониятини ошириш кабилар. Мазкур муаммоларга барҳам бериш, давлат харидини ташкил этишда илмий тадқиқот ишларини олиб боришни талаб этади ва танланган тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сонли «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 5 декабрдаги ПҚ-4544-сонли «Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сонли «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат харидларининг назарий асослари узоқ хориж мамлакатлари олимларидан Т.В.Фрайберг, Д.Этсе, А.Макмуррай, Н.Муенжонларнинг тадқиқотларида тадқиқ этилган бўлиб, улар ўз тадқиқотларида давлат буюртмаси, барқарор давлат харидлари ҳамда

Мажлисига мурожаатномаси. <https://prezident.uz/uz/lists/view/4057>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси. <https://prezident.uz/uz/lists/view/4057>

мамлакатнинг барқарор ривожланиш натижаларига эришишнинг якуний мақсади билан товар ва хизматлар ҳамда давлат секторида ишларни сотиб олиш жараёнининг ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этилган⁶.

Бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатларда давлат харидининг амалий жиҳатлари В.Е.Белов, Л.М.Давлетшина, В.С.Гладков, А.Ф.Ноздрачев, Л.М.Давлетшиналар томонидан ўрганилган⁷.

Бу борада Р.А.Набиев ва Р.К.Ариқбаевнинг фикрлари алоҳида эътиборга лойиқ. Улар «давлат буюртмаси» тушунчасидан давлат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлашда пайдо бўладиган эҳтиёжларни, «давлат хариди» эса давлатнинг бошқа эҳтиёжларни тушунтиришда фойдаланишган⁸.

Россиялик олим Л.В.Андреева давлат харидларининг ҳуқуқий масалаларини ўрганишда «давлат эҳтиёжлари»ни мустақил маънога эга бўлган ҳуқуқий тушунча сифатида алоҳида ажратиб кўрсатди. Бунда бюджет буюртмачиларининг ваколоти доирасида тегишли функция ва вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлган давлат эҳтиёжларининг таркибига товар, иш ва хизматларга бўлган эҳтиёжлар киради⁹ деб таъкидланган.

Маҳаллий иқтисодчи-олимлардан А.Вахабов, Т.Маликов, Н.Хайдаров, Н.Жумаев, У.Бурханов, Э.Махмудов, Т.Атамурадов, Т.Эшназаров, Г.Қосимова, З.Срожиддинова, Д.Пулатов, М.Хайдаров М.Оллоёров, Ж.Умаров, Д.Гафуровлар давлат харидларини миллий иқтисодиётда самарали ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишган¹⁰.

Шу билан биргаликда иқтисодиётни модернизациялаш ва

⁶ Фрайберг Т.В. Государственный (муниципальный) заказ как форма организации бюджетного финансирования: Дис. канд. эк. наук: 08.00.10. Иркутск, 2006. С. 66.; Daniel Etse, Adela McMurray, Nuttawuth Muenjohn Comparing sustainable public procurement in the education and health sectors. // Journal of Cleaner Production 279 (2021) 123959

⁷ Белов В.Е. Правовое регулирование размещения государственного заказа // Право и экономика. 2005. № 2; Давлетшина Л.М. Государственный заказ как инструмент проведения промышленной политики (на примере Республики Татарстан): Дисс. канд. экон. наук. Казань, 2007. С. 47; Гладков В.С. Государственный заказ в сфер Ростов-на-Дону, 2008. С. 14.; Ноздрачев А.Ф. Государство как заказчик продукции // Государство и право. 1994. № 7.; Набиев Р.А., Ариқбаев Р.К. Повышение эффективности бюджетных расходов системы государственных заказов и закупок // Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. 2008. № 15.

⁸ Набиев Р.А., Ариқбаев Р.К. Повышение эффективности бюджетных расходов системы государственных заказов и закупок // Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. 2008. № 15.

⁹ Андреева Л.В. Закупки товаров для федеральных государственных нужд: правовое регулирование. М.: Волтерс Клувер, 2009. С. 24.

¹⁰ Вахабов А.В., Маликов Т.С. Молия: Умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. Т.: «Иқтисод-молия» - 2010, - 595 б.; Хайдаров Н.Х. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув-услугий қўлланма. Т.: Академия, 2005. 84 б.; Бурханов У., Атамурадов Т. Давлат хариди. Ўқув қўлланма. –Т.: «Фан ва технология», 2012 йил. -152 б.; Эшназаров Т.Ш. Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизими асослари. Ўқув қўлланма. Т.: «Иқтисод-молия», 2012. -304б.; Қосимова Г.А. Ғазначилик. Ўқув қўлланма. Т.: «Иқтисод-молия», 2013.- 448б.; Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Т.:»Infocom.uz». 2010. -480б.; Пулатов Д.Х. Нурмухамедова Б.И. Ғазначилик. Ўқув қўлланма. Т.: «Сано-стандарт», 2014. -272б.; Хайдаров М. ва бошқалар Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. Т.: «Иқтисод- молия», 2010. -235 б.; М.Оллоёров, Д.Холмурадов. Система Государственных закупок в Узбекистане, <http://publicfinance.uz/materials/>; Ж.Умаров «Давлат харидлари тизимини такомиллаштиришнинг методологик жиҳатлари» мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси автореферати, Д.Гафуров «Ўзбекистонда давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштириш» мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси автореферати, Ж.Атамурадов «Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш» мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси автореферати

эркинлаштириш шароитида давлат харидлари тизимини такомиллаштиришнинг методологик жиҳатлари иқтисодий адабиётларда долзарблиги етарлича комплекс тарзда тадқиқ этилмаганлиги ушбу муаммони тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлади.

Диссертациянинг тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Бюджет ташкилотларида давлат харидларини амалга оширишдаги молиявий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат харидларининг иқтисодий моҳияти ҳамда уни мамлакатда ривожланиш жараёнларини тадрижий таҳлил этиш;

давлат харидларини режалаштириш, ташкил этиш ва амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

бюджет ташкилотларида давлат харидларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

давлат харидларини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш;

бюджет ташкилотларида давлат харидларини самарали ташкил этишда электрон савдоларнинг аҳамиятини ўрганиш;

давлат харидларини самарали ташкил этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни ҳамда уларни жалб қилишнинг асосий йўналишларини ўрганиш;

давлат харидларини ташкил этишни халқаро тажриба асосида такомиллаштириш тамойиллари ҳамда уларни Ўзбекистонда жорий этиш масалаларини тадқиқ этиш;

бюджет ташкилотларида давлат харидларини ташкил этишда мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш ва самарали ташкил этишнинг асосий йулларини белгилаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бюджет ташкилотларининг давлат харидлари билан боғлиқ молиявий муносабатлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети давлат харидларини амалга ошириш жараёнидаги иқтисодий ва молиявий муносабатлар мажмуасидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мантиқий ва қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

давлат харидлари тизимида электрон дўконда товарлар хариди бўйича бир шартномага қўйилган чекловни икки минг беш юз бараваргача ошириш орқали бюджет ташкилотларининг товар харидларини соддалаштириш асосланган;

давлат буюртмачиларининг иш ва хизматлар харидларида электрон дўкон шаклининг мезони этиб базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида белгилаш орқали бюджет ташкилотларининг бир шартнома доирасида иш ва хизматларини харид қилиш юзасидан танлов имконияти оширилган;

бир молия йили давомида бюджет буюртмачисининг электрон дўкон орқали амалга ошириладиган товарлар харидлари бўйича умумий ҳажмини базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн минг бараваригача ошириш орқали бюджет ташкилотлари эҳтиёжларини мақбул муддатларда қондириш ва харидларини самарали ташкил этиш таклиф этилган;

давлат харидларида ғолиб аниқланмаган тақдирда аукцион ўтказиш муддатини уч кунга узайтириш орқали очиклик ва шаффофлик таъминланган ҳолда бюджет ташкилотларида харидлар вақтидан унумли фойдаланиш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

давлат хариди тушунчасига аниқлик киритиш билан бирга, унинг иқтисодий моҳияти ҳам очиқ берилган;

давлат харидларининг жаҳон ва миллий иқтисодиётида тутган ўрни кўрсатиб берилган;

давлат харидини амалга оширишнинг амалдаги ҳолати ёритилиб, мавжуд муаммолар аниқланган ҳамда уларнинг ечими келтирилган;

бюджет буюртмачилари томонидан амалга ошириладиган электрон харидларининг аҳамияти кўрсатиб берилган;

бюджет ташкилотларида давлат харидлари тизимини такомиллаштиришнинг илғор хорижий тажрибаси таҳлил қилинган ҳолда, Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш механизми таклиф этилган;

электрон давлат харидларини амалга оширишнинг самарали механизминини шакллантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

давлат харидларини амалга оширишда бевосита инсон иштирокини янада камайитириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Диссертацияда фойдаланилган ахборот базасининг ишончлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасининг расмий манбаларидан олинганлиги, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг ишончлиги республикада давлат харидлари тизимини ривожлантиришга бағишланган мақсадли давлат дастурларига мувофиқлиги ҳамда тегишли хулосаларни мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этишга қабул қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертациядан олинган илмий хулосалардан, ушбу йўналишдаги услубий ёндашувларни такомиллаштириш ва улардан истиқболда давлат харидлари тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилашга бағишланган чуқур, махсус илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий

таклиф ва амалий тавсияларни республикада давлат харидлари механизмини такомиллаштиришга қаратилган мақсадли давлат дастурлари ва комплекс чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, олий ўқув юртларида «Молия», «Давлат бюджети», «Давлат хариди», «Ғазначилик» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бюджет ташкилотларида давлат харидлари жараёнидаги молиявий муносабатларни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари:

бюджет ташкилотларида давлат харидларини амалга оширишни соддалаштириш мақсадида электрон дўкон орқали бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг беш юз баробаригача қийматдаги товарларни харид қилишга рухсат бериш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 14 августдаги 06/04-01-32/1254-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф асосида электрон дўконда товарлар хариди бўйича бир шартномага қўйилган чекловни икки минг беш юз бараваргача ошириш орқали бюджет ташкилотларининг товар харидларини соддалаштириш имконияти яратилган;

бюджет ташкилотларида давлат харидларини амалга оширишда буюртмачилар учун танлов имкониятини кенгайтириш мақсадида электрон дўкон орқали бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача қийматдаги иш ва хизматларни харид қилишга рухсат бериш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 14 августдаги 06/04-01-32/1254-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф асосида харидларда электрон дўкон шаклининг мезони этиб базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида белгилаш орқали бюджет ташкилотларининг бир шартнома доирасида иш ва хизматларини харид қилиш юзасидан танлов имконияти оширилган;

бюджет ташкилотларида давлат харидларини амалга оширишда буюртмачилар учун янада кенгроқ ассортиментдаги товарларни таклиф қилиш ҳамда танлов имкониятини ошириш мақсадида электрон дўкон орқали бюджет буюртмачиси томонидан айна бир турдаги товарларнинг давлат хариди бир молия йили давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн минг бараваригача амалга оширишига рухсат бериш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 14 августдаги 06/04-01-32/1254-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф асосида бир молия йили давомида электрон дўкон орқали амалга ошириладиган товарлар харидлари бўйича умумий ҳажмини базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн минг бараваригача ошириш орқали бюджет ташкилотлари эҳтиёжларини мақбул муддатларда қондириш ва харидларини самарали ташкил этиш имконини берган;

бюджет ташкилотларида давлат харидларини амалга оширишда вақтдан унумли фойдаланиш ҳамда харидларни амалга оширишда очиклик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида агар аукционда аукцион ўтказилмаган деб ҳисобланганда ва ғолиб аниқланмаган тақдирда бюджет ташкилотларига аукционни уч иш кунига узайтириш ёки электрон дўкон воситасида амалга оширишга рухсат бериш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 14 августдаги 06/04-01-32/1254-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф асосида аукционда ғолиб аниқланмаган тақдирда унинг ўтказиш муддатини уч кунга узайтириш орқали очиклик ва шаффофлик таъминланган ҳолда бюджет ташкилотларида харидлар вақтидан унумли фойдаланиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий мақола ва илмий маъруза тезислари нашр этилган. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларида 3 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий анжуманлар тўпламларида 10 та, жумладан, халқаро илмий-амалий анжуманларда 3 та, республика илмий-амалий анжуманларда 7 та илмий маъруза тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 160 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, унинг зарурати асосланган, шу билан бирга тадқиқотнинг мақсади, вазифалари тавсифланган, тадқиқот объекти ва предмети белгилаб олинган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлили берилган, диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги ёритиб берилган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси ва унинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Давлат харидларини ташкил этишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари» деб номланган биринчи бобида давлат харидларининг иқтисодий моҳияти, мамлакатда унинг ривожланиш босқичлари, давлат

харидларини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистонда бюджет ташкилотларида давлат харидларини ташкил этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари баён этилган ҳамда тизимлаштирилган.

Давлат харидлари тизимининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари узоқ тарихга эга бўлиб, ҳар қайси давлатнинг самарали фаолият кўрсатишида асосий омил бўлиб келган. Мамлакатимизда амалдаги давлат харидлар тизимини ислоҳ қилиш жараёнида жаҳонда кечган давлат харидлари трансформацияси ва бу борада қўлга киритилган тажрибани ўрганиш, миллий иқтисодиётга мос келадиган давлат харидлар тизимини шакллантириш ва ривожлантириш йўналишларини аниқлаш ҳамда тадбиқ этиш масалалари долзарб ҳисобланади.

Давлат харидлар тизимини шаклланиши ва ривожланишини учта асосий босқичга ажратиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал.

Давлат харидлар тизимини шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари¹¹

№	Давр	Хусусиятлари
1	Биринчи босқич: дастлабки босқич (XIX аср - XX аср бошланиши)	- давлат харидлари тизимлашмаган; - асосан мудофаа эҳтиёжлари учун амалга оширилган; - бюджет маблағлари фақат давлат корхоналарига ажратилган; - протекционистик сиёсатга устуворлик берилган; - ички рақобатни ривожлантиришга қаратилган; - харидларга чет эллик ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчиларни кириши чекланган.
2	Иккинчи босқич: миллий давлат хариди тизимларини шаклланиш босқичи (XX аср 40-70 йиллар)	- иқтисодий сиёсатни амалга ошириш воситасига айланди; - давлат харидларига «адолатлилик» тамойили тадбиқ этилди; - ривожланган мамлакатларда илк бор давлат харидларини тартибга солувчи миллий қонунчилик шакллантирилди; - ижтимоий сиёсатни амалга оширишда муҳим ўрин эгаллади; - миллий иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, иш билан бандликни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда фойдаланилди; - хорижий корхона ва ташкилотларга нисбатан протекционистик сиёсат давом эттирилди; - давлат харидларида ички хўжалик субъектларига устуворлик бериш сиёсатининг салбий оқибатларини баҳолаш бошланди.
3	Учинчи босқич: глобаллашув босқичи (XX аср 70 йиллардан бошлаб ҳозирги вақтгача)	- давлат харидлари қонунчилиги бўйича давлатлар ўртасидаги миллий фарқланишнинг бартараф этилиши; - давлат харидлари бозорига кириш учун ягона паритет тадбиқ этилиши; - давлат харидлари тўғрисида ягона ахборот тизимини шакллантирилиши; - давлат харидларини асосий тамойилларини мажбурий жорий қилиниши.

Ҳозирги босқич давлат харидлари ривожланишининг глобаллашув ва эркинлаштириш жараёнлари билан узвий боғлиқда кечаётганлигини, қонунчиликда давлатлар ўртасидаги миллий фарқланишнинг йўқолиши, давлат харидлари бозорига кириш учун ягона паритет тадбиқ этилиши; давлат харидлари тўғрисида ягона ахборот тизимини шакллантирилиши; халқаро

¹¹ Тадқиқот давомида муаллиф томонидан тайёрланди.

савдо ташкилотлари ташкил этилганлиги ва давлат харидлари асосий тамойилларини мажбурий жорий қилиниши билан белгиланади.

Замонавий давлат харидлар жараёнида миллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат харидлари тизимида протекционистик сиёсатнинг юритилиши иқтисодиётга салбий таъсир этиши, чекловлардан воз кечиш ёки камайтириш зарурлиги, давлат харидлари соҳасини тартибга соладиган халқаро механизмлар жорий этишни талаб этди. Бундай механизмларга Жаҳон савдо ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси, Тарифлар ва савдо бўйича Бош Келишувлар жорий этилганлигини кўрсатиш мумкин.

Давлат харидларининг ривожланиши бевосита давлат мавқеининг мустаҳкамланиши, давлат тузилмаларини трансформацияси ва такомиллаштирилиши билан боғлиқ. Ҳозирги кунда давлат харидларининг ташкил этиш жараёнлари сезиларли даражада ўзгарган бўлса-да, давлат харидларига хос бўлган иккита хусусият сақланган. Жумладан, давлат буюртмачиси ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида товар, иш ва хизматлар хариди бўйича шартномавий муносабатлардан иборат эканлиги ҳамда харидлар учун тўловнинг давлат бюджетидан амалга оширилиши.

Жаҳон амалиётида давлат харидларининг умумий ҳажми давлат тузилмаларини функционал вазифаларни бажариш учун харид қилинган зарур товар-моддий қийматликларга сарфланган маблағлар ҳамда давлат секторида кўрсатилган хизматлар қиймати асосида аниқланади. Амалиётда давлат харидларининг қиймати уч манба асосида аниқланмоқда. Хусусан, халқаро иқтисодий ташкилотлар маълумотлари, давлатнинг ваколатли органлари, хусусан, давлат статистика идораларининг расмий маълумотлари ҳамда давлат хариди бўйича шартнома расмийлаштирган ва маҳсулотни етказувчи иқтисодиёт субъектлари маълумотлари. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, учта манба маълумотлари бир биридан фарқланиб, мамлакатларнинг давлат харидлари ҳажми ва таркибини турлича акс этади. Жумладан, Европа мамлакатларида давлат харидларининг (public procurement) таркибига барча бюджет ташкилотларининг харидлари, шунингдек, махсус ободонлаштириш корхона ва ташкилотлари томонидан кўрсатилган коммунал хизматларга сарфланган харажатлар ҳам киритилади. АҚШ, Япония, Россия ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларида давлат харидлари (government procurement) таркибига давлат аппарати учун амалга оширилган харидлар киритилади.

Халқаро статистикада мамлакатларнинг давлат харидлари бўйича умумий ҳажмини фарқланишининг сабабларидан яна бири сифатида кўпда давлатларда қуролли кучлар ва мудофаани таъминлаш учун амалга оширилган харажатлар тўғрисидаги маълумотларнинг махфий ҳисобланиши ҳамда ошкор этилмаслигидадир. Натижада ушбу ҳолат айрим мамлакатларда давлат харидлари салмоғининг 10-12 фоизгача кам кўрсатилишига сабаб бўлади¹².

Замонавий давлат харидларидаги молиявий муносабатлар жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув ва иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари билан тавсифланади. Ушбу босқичда давлат буюртмачиси иқтисодиётнинг

¹² D. Audet. Quantifying the Size of Government Procurement /OECD Trade Directorate Report. – OECD, 2002.

фаол субъектига айланиб, ишлаб чиқариш, хизматлар соҳаси, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, инвестициялар, инновациялар ва бошқа иқтисодий жараёнларда ЯИМни яратилишида муҳим ўрин эгалламоқда. Таҳлиллар натижаларига кўра, 2020 йилда мамлакатда давлат буюртмачилари томонидан амалга оширилган харидларнинг ЯИМга нисбатан улуши 20,2 фоизни ташкил этганлигини қайд этиш лозим.

Давлат харидлари ривожланишининг замонавий босқичида унинг ижтимоий ва рағбатлантирувчи функцияларининг ўрни сезиларли даражада кучайган. Давлат харидлари мамлакатда янги иш жойларини яратиш, иш билан бандликни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги соҳасини қўллаб-қувватлаш, давлат заҳираларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Йирик давлат дастурлари ва лойиҳалари, хусусан, янги инновацион иқтисодиёт тармоқлари ва йирик саноат корхоналарини ташкил этиш, транспорт ва темир йўл тизимлари, энергетика, нефт ва газ саноати, таълим тизимини ривожлантириш ва бошқа ижтимоий дастурларини муваффақиятли амалга оширилишида муҳим ўрин эгаллайди. Давлат харидларини мақсадли, тўғри ва самарали ташкил этилиши миллий иқтисодиётнинг ўсиш манбаига айланади.

Кейинги йиллар давомида давлат харидлари тизимини тартибга солиш, меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантириш, уни жадал ривожланишини таъминлаш мақсадида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2018 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги ҳамда 2021 йилда қабул қилинган Янги таҳрирдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунлари муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш, давлат харидларини амалга ошириш учун янги дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш, ҳужжатлар сонини камайтириш, харид жараёнининг ошқоралиги ва шаффофлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Давлат харидлари тушунчаси борасида қатор иқтисодчи-олимлар томонидан турлича таъриф ва талқинлар берилган. Айрим Осиё ва Европа иқтисодчи олимларининг фикрига кўра, мамлакатлар давлат харидларини эмпирик таҳлил қилиш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, харид жараёнининг турини танлашга давлат буюртмачисининг компетентлиги, харид жараёни иштирокчиларининг кутилаётган сони, давлат шартномаси шартларининг қийинлик даражаси ҳамда сиёсий рақобат даражаси таъсир этиши таъкидланган. Маҳаллий иқтисодчилардан У.Бурханов ўз илмий ишида давлат харажатларининг муҳим таркибий қисми сифатида давлат хариди алоҳида ўринга эга эканлигини таъкидлаб: «давлат хариди» - деганда давлат эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматларни қисман ёки тўлиқ давлат маблағлари эвазига сотиб олиш¹³ тушунилишини қайд этган.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида келтирилган таърифга кўра, «давлат харидлари - давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёни»дир¹⁴.

¹³ У.Бурханов, Т.Атамурадов. Давлат хариди. Ўқув қўлланма. –Т.: «Фан ва технология», 2012, 152 бет.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисидаги 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли қонуни.

Давлат хариди тушунчасига берилган турли қарашлар ва таърифларни ўрганиш асосида: «**Давлат хариди кенг тушунча эканлиги, унга давлатнинг функциялари бажарилишини таъминлаш мақсадида қонун асосида белгиланган тартибда товар (иш, хизмат)ларни харид қилиш юзасидан давлат ва пудратчи ўртасида амалга ошириладиган молиявий муносабатлар тизими**» деб таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

Давлат харидлари давлат буюртмачисининг давлат харидлари ўтказиш харажатларини ва товар (иш, хизмат)лар қийматини ҳисобга олиш, давлат харидларига ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланиш, шу жумладан, товар (иш, хизмат)ларни харид қилишдан кўрилган фойда, уларнинг сифати ва қиймати орасидаги мақбул нисбатни таъминлаш, давлат харидларини мақбул муддатларда ўтказиш имконини берувчи молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги тамойили орқали амалга оширилиши лозим.

Ҳозирги кунда давлат харидларининг очиқлиги ва шаффофлик тамойили янада долзарблиги ошиб, тегишли давлат органлари, давлат харидларининг субъектлари ҳамда жамоатчиликка давлат харидлари ҳақидаги маълумотдан қонунчиликда кўрсатилган тартибда тўлиқ, ўз муддатида, эркин ва бепул тарзда фойдаланиш имконини таъминлаш орқали уни махсус ахборот порталига жойлаш, харид қилиш жараёнига оид ҳужжатлар ҳамда ҳисоботларни тузиш, шунингдек шикаст етмаган ҳолда сақлаш орқали амалга оширилади.

Давлат харидларидаги рақобат, харид қилиш жараёни иштирокчилари, давлат хариди электрон тизимининг операторлари ҳамда ихтисослашган ташкилотлар орасидаги тортишув, харид қилиш жараёни иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқишда ва холис, асосли мезонлар асосида энг мақул таклиф фойдасига яқин қарорни қабул қилишда беғаразлик ҳамда шаффофлик механизмларидан фойдаланиш орқали рақобат ва холислик тамойили қўллаб-қувватланади.

Бюджет буюртмачиларининг харидларида мутаносиблик тамойили давлат харидини амалга ошириш шаклининг товар (иш, хизмат)ларнинг хавф-хатарига, қийматига, хусусиятига ҳамда мураккаблигига, талабларнинг харид қилиш жараёни иштирокчиларининг малакасига доир маълумотларга, таклифларни баҳолаш мезонлари ва усулларининг товар (иш, хизмат)ларга, давлат харидлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги уларнинг ўз вазифаларига мос келиши билан таъминланади.

Давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги тамойили мақсадлар, тамойиллар ҳамда ёндашувларнинг ягоналиги, давлат харидлари жараёнининг барча босқичлари яхлитлиги ва ўзаро алоқадорлигига, шунингдек, давлат харидлари барча субъектлари ҳамкорлигига асосланади. Харид қилиш жараёнини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир талаблар давлат харидлари соҳасидаги коррупцияга йўл қўймаслик тамойилига доир ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги зарур.

Давлат буюртмачилари ўз навбатида, бюджет буюртмачилари ҳамда корпоратив буюртмачиларга ажратилади. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, давлат буюртмачилари

сифатида давлат органлари, бюджет ташкилотлари, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун йўналтириладиган бюджет маблағларини олувчилар ҳамда давлат мақсадли жамғармалар киритилади.

Диссертациянинг «**Бюджет ташкилотларида давлат харидларини ташкил этишнинг амалий жиҳатлари**» номли иккинчи бобида давлат харидларини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳозирги ҳолати таҳлили, бюджет ташкилотларида давлат харидларини самарали ташкил этишда электрон савдоларнинг аҳамияти ҳамда давлат харидларини самарали ташкил этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни ҳамда уларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари тадқиқ қилинган.

Ҳозирги кунда мамлакатда давлат харидларини амалга ошириш жараёни 2021 йилда янги таҳрирда қабул қилинган «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонун орқали амалга оширилади ва тартибга солинади. Мазкур қонунга кўра давлат буюртмачиси деганда давлат органлари, бюджет ташкилотлари ҳамда харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун йўналтириладиган бюджет маблағларини олувчилар, шунингдек, давлат мақсадли жамғармалари тушунилади.

Давлат харидлари давлат харидларини режалаштириш, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш, шартномани тузиш ва бажариш ва давлат харидлари мониторинги бошқичлардан иборат.

2020 йилда мамлакатда давлат буюртмачилари томонидан давлат харидлари орқали жами 1 037 710 та шартнома имзоланган бўлиб, уларнинг умумий суммаси 124 089,4 млрд. сўмни ташкил қилган (2-жадвал).

2-жадвал

2018-2020 йиллар давомида давлат буюртмачилари томонидан амалга оширилган харидлар динамикаси¹⁵

Давлат буюртмачилари	2018		2019		2020	
	Харид суммаси (млрд сўм)	Жамига нисбатан фоизда	Харид суммаси (млрд сўм)	Жамига нисбатан фоизда	Харид суммаси (млрд сўм)	Жамига нисбатан фоизда
Бюджет буюртмачилари*	36 115,6	33,8	38 523,4	34,3	42 629,4	34
Корпоратив буюртмачилар	35 298,5	32,9	36 789,6	32,7	40 476,4	33
Стратегик буюртмачилар	35 551,9	33,3	36 912,5	33	40 983,6	33
ЖАМИ	106 996	100	112 225,5	100	124 089,4	100


*Изоҳ: Бюджет буюртмачилари ва давлат мақсадли жамғармалари томонидан амалга оширилган харидлар.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржаси расмий сайти маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, 2018 йил давлат буюртмачилари томонидан 36115,6 млрд. сўмлик харидлар, 2019 йилда эса 38523,4 млрд. сўмлик харидлар амалга оширилган бўлиб, 2020 молия йилида 2018 йилга нисбатан 18 фоизга ошиб, 42629,4 млрд. сўмни ташкил этганлигини кўриш мумкин.

Амалдаги қонунчиликга мувофиқ, давлат харидини амалга оширишнинг қуйидаги шакллари мавжуд: электрон дўкон, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион, энг яхши таклифларни танлаш, тендер, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан рухсат этилган харидларнинг бошқа рақобатли турлари.


2015-2020 йилларда мамлакатда электрон дўкон орқали тузилган битимлар билан танишиш мумкин (1-расм).



1-расм. 2015-2020 йилларда электрон дўкон орқали тузилган битимлар¹⁶

1-расмдан кўриш мумкинки, 2015-2020 йилларда электрон дўкон орқали тузилган шартномалар 8,5 баробарга, битимлар суммаси эса 14,4 баробарга ошган. Асосий ўсиш 2018 йилга тўғри келмоқда. 2018 йилда электрон дўкон орқали тузилган шартномалар сони 2017 йилга қараганда 7,6 баробарга, битимлар суммаси эса мос равишда 6,8 баробарга ошганлигини кўриш мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида 2018 йилдан бошлаб харид жараёнларини асосий тартибга солувчи меъёрий ҳужжат, яъни Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши, шунингдек, электрон дўкон орқали харидларнинг бевосита онлайн шаклда амалга ошириш бошланганлиги билан изоҳлаймиз. Қуйидаги расмда электрон дўкон орқали давлат харидларини амалга ошириш натижасида тежалган маблағлар тўғрисида маълумотлар келтирилган (2-расм).

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржаси маълумотлари (Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржасининг 28.09.2021 кундаги 04-11/3198-сонли хати) асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.



2-расм. Электрон дўкон орқали давлат харидларини амалга ошириш натижасида тежалган маблағлар¹⁷

2-расмдан шуни гувоҳи бўлиш мумкинки, давлат харидларида электрон дўкондан фойдаланиш орқали бюджет буюртмачилари томонидан харид қилинаётган товар (иш, хизмат)лар бошланғич нархидан 2015 йилда 20 фоизга арзон харид қилинишига эришилган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич мос равишда 40 фоизни ташкил этган. Агар мазкур рақамларни пул қийматида акс эттирадиган бўлсак, 2015 йилда бюджет буюртмачилари товар (иш, хизмат)ларни электрон дўкон орқали харид қилиш натижасида 12 млрд. сўм маблағ иқтисод қилинган бўлса, 2020 йилга келиб ушбу кўрсаткич мос равишда 176,2 млрд. сўмни, ёки бўлмаса 2015 йилга қараганда 2020 йилда 14,7 баробар кўпроқ маблағ иқтисод қилинганлиги гувоҳи бўлиш мумкин. Бу ўз навбатида, давлат харидлари жараёнида электрон дўкондан фойдаланиш анча самарали тарзда ташкил этилганлигини англатади.

Давлат хариди турлари ичида аукцион ҳам алоҳида ўринга эга. Бизга маълумки, умумий тарзда аукцион бошланғич нархни кўтариш учун ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукционларга бўлинади. Давлат харидлари жараёнида айнан бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукциондан фойдаланилади.


Аукцион воситасидаги давлат харидлари қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

товарнинг стандарт хусусиятларга эга бўлиши;

товарнинг техник, эксплуатация қилиниш хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини баҳолаш ҳамда таққослаш зарурати мавжуд эмаслиги;

бюджет буюртмачилари учун товар қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг олти минг бараваригача бўлган суммани ташкил қилиши лозим.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси маълумотлари (Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг 28.09.2021 кундаги 04-11/3198-сонли хати) асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.



3-расм. 2015-2020 йилларда бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион орқали тузилган шартномалар сони ва миқдори¹⁸

Бюджет ташкилотларининг харидлар таркибида аукцион ҳам етакчи ўринни эгаллайди. 3-расмда 2015-2020 йилларда бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказилган аукцион орқали тузилган шартномалар сони ва миқдори келтирилган. Бунда 2020 йилда аукцион орқали харидларни амалга ошириш бўйича жами 55,4 мингта шартнома тузилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич мос равишда 301 мингтани ташкил этган. Яъни 2020 йилда 2015 йилга қараганда 5,5 баробар кам шартнома тузилган. Бироқ, 2020 йилда тузилган шартномаларнинг умумий қиймати 2015 йилга қараганда мос равишда 1,9 баробарга кўпроқни ташкил этган.



4-расм. Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион орқали тузилган шартномалар асосида иқтисод қилинган маблағлар¹⁹

4-расмда эса бюджет ташкилотларида бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион орқали тузилган шартномалар асосида иқтисод

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржаси маълумотлари (Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржасининг 28.09.2021 кундаги 04-11/3198-сонли хати) асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржаси маълумотлари (Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржасининг 28.09.2021 кундаги 04-11/3198-сонли хати) асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

қилинган маблағлар тўғрисида маълумот олиш мумкин. Мазкур 4-расм орқали шуни гувоҳи бўлиш мумкинки, бюджет ташкилотларида аукцион ўтказиш орқали иқтисод қилинган маблағлар. 2015 йилда 139,9 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 253,9 млрд. сўмни ташкил этган ёки 2020 йилда 2015 йилга қараганда 1,8 баробар кўп маблағ иқтисод қилинган. 2015-2020 йилларда бошланғич баҳога нисбатан ўртача 21,3 фоиз маблағ тежалишига эришилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Харидларнинг конкурс шакли давлат маблағларини максимал тежаш имконини беради. Мутахассислар баҳолашича, бундай иқтисод ривожланган мамлакатларда дастлабки нархга нисбатан ўртача 14-16 фоизни ва ривожланаётган мамлакатларда 30 фоизгача ташкил этиши мумкин. Айрим ҳолатларда ушбу кўрсаткич ундан ҳам юқори бўлиши ҳолатлари кузатилади²⁰.



5-расм. Тошкент молия институтида электрон дўкон орқали харид қилинган товар (иш, хизмат)лар натижасида иқтисод қилинган маблағлар²¹

5-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, Тошкент молия институтининг электрон дўкон орқали 2018-2020 йилларда давлат харидлари ҳажмининг ўзгариши ўсиш тенденциясига эга, хусусан, 2018 йилда умумий қиймати 203,2 млн сўмлик 99 та битимлар амалга оширилган бўлиб, иқтисод қилинган маблағлар миқдори 43,5 млн. сўмни ёки бошланғич нарх суммасига нисбатан 18,1 фоизни ташкил этган. 2019 йилда ушбу кўрсаткичлар умумий қиймати 113,7 млн сўмлик 127 та битимлар амалга оширилган бўлиб, иқтисод қилинган маблағлар миқдори 49,5 млн. сўмни ёки бошланғич нарх суммасига нисбатан 20,6 фоизни ташкил этган. Шунингдек, 2020 йилда жами 227,5 млн сўмлик 137 та битимлар тузилган бўлиб, иқтисод қилинган маблағлар миқдори 58,3 млн. сўмни ёки бошланғич нарх суммасига нисбатан 23,2 фоизни ташкил этган.

Аввалги «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунда электрон дўконда


²⁰ D. Audet. Quantifying the Size of Government Procurement /OECD Trade Directorate Report. – OECD, 2002.

²¹ Тошкент молия институти маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

харид қилиш учун белгиланган юқори чеклов даражаси кичик бюджет ташкилотлари учун етарли бўлган бўлса-да, ўрта ва катта бюджет ташкилотларида ушбу амалиёт етарли эмас эди. Натижада, бюджет ташкилотининг эҳтиёжларига кўра электрон дўконда товарлар бўлсада чеклов сабабли уни харид қилиш имконияти чекланган эди. Бу ўз навбатида, бюджет ташкилотининг эҳтиёжларини ўз вақтида қондириш имконини бермас эди. Бюджет ташкилотларининг товар харидларини соддалаштириш мақсадида давлат харидлари тизимида электрон дўконда товарлар хариди бўйича бир шартномага қўйилган чекловни икки минг беш юз бараваргача ошириш асосли ва мақсадга мувофиқ бўлганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Шунингдек, давлат буюртмачиларининг иш ва хизматлар харидларида электрон дўкон шаклининг мезони этиб базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида белгилаш орқали бюджет ташкилотларининг бир шартнома доирасида иш ва хизматларини харид қилиш юзасидан танлов имконияти оширилди.

Бюджет ташкилоти томонидан алоҳида хусусиятлар ва техник параметрлардаги товарларни (масалан, компьютер воситалари ва жиҳозлари) харид қилишда мавжуд муаммоларни ҳал этилишида бир молия йили давомида бюджет буюртмачисининг электрон дўкон орқали амалга ошириладиган товарлар харидлари бўйича умумий ҳажмини базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн минг бараваригача оширилиши ижобий таъсир этди. Ушбу амалиёт орқали бюджет ташкилотлари эҳтиёжларини мақбул муддатларда қондириш ва харидларини самарали ташкил этиш имконияти туғилди.



6-расм. Тошкент молия институтида аукцион орқали харид қилинган товар (иш, хизмат)лар натижасида иқтисод қилинган маблағлар²²

²² Тошкент молия институти маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди

